201_ A | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK


# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН! 28 йил

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2019-yil 8-avgust, payshanba 51 (9018)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz


Сирдарё журналистлар нигоҳида

## Асрлар кўрмаган ўзгаришлар

**Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ташаббуси билан Сирдарё вилоятида медиа тур ташкиллаштирилди. Республика нашрларида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ журналист ва блогерлар ташриф буюриб вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, ўзгариш ва эврилишлар билан танишдилар.**





Индустриал ривожланаётган ҳудуднинг вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришидаги улуши 33 фоиздан ошиб кетди. Очиқ айтиш мумкин, аввалда дотацияда ўтирган Сирдарё тумани кейинги уч йил ичида вилоятда саноати ривожланган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини хорижий давлатларга кенг кўламда экспорт қилаётган туманлардан бирига айланди. Тумандаги "Сирдарё фарм," "Бахт фарм", "Пенг Шенг", "Сирдарё мега люкс" каби корхоналар асосий маҳсулотларини Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилаётир. Чунончи, "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасида фаолияти йўлга қўйилган "Сирдарё универсал ойна" масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили 50,1 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхонада айни вақтда 100 турдаги шиша идишлар тайёрланмоқда. Корхонага Германия, Туркия давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар ўрнатилиб, маҳсулот тайёрлашда тўлиқ маҳаллий хомашёдан фойдаланилаётганлиги идишларнинг арзон ва харидоргирлигини таъмин этаётир. Жорий йилда тўла қувват билан ишга туширилиши режалаштирилаётган корхонада йилига 102 миллион дона шиша идишлар ишлаб чиқарилиб, 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Бу эса келгусида мамлакатимиз фармацевтика саноатига четдан келтириладиган шиша флаконлар миқдорини кескин камайтириш имконини беради.

Ушбу корхона ёнидаги "Сирдарё глас" МЧЖ томонидан фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун уч хил рангли шиша идишлар тайёрлаш лойиҳаси рўёбга чиқарилаётир. 2020 йилда ишга тушириладиган корхонада йилига 3,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилина бошлайди. "Сирдарё шиша" корхонасида эса шиша идишлар учун кварц қумини қайта ишлаш лойиҳаси ўзлаштирилмоқда. Яхлит олганда бу уч корхонанинг бир бирига узвийлиги "Сирдарё универсал ойна" негизида саноатлашган кластер ташкил этиш имкониятларини кенгайтиради.



Фурқат ТОШМАТОВ олган суратлар.

(Давоми 2-саҳифада)

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

**Тошкентда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимиздаги вакиллари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, тадбиркорлик субъектлари, фермерлар, экспортёрлар қатнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда амалга оширилаётганислоҳотлар иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, хусусий сектор фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Албатта, бу каби соҳаларда салмоқли ютуқларга эришилди. Ўз навбатида, камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, мамлакатда йилига ўртача 16 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, полиз ва дуккакли маҳсулотлар, 1,5 миллион тоннага яқин гўшт, 10 миллион тоннага яқин сут ишлаб чиқарилса-да, уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси ўртача 15-20 фоизни ташкил қилмоқда. Агрологистика тизими яхши ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саралаш хизматлари талаб даражасида эмаслиги ҳосилнинг қарийб 30 фоизи исроф бўлишига олиб келмоқда. Етиштирилган маҳсулотларни халқаро стандартларга мос лаборатория текширувидан ўтказишда ҳам муаммолар кўзга ташланади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг бор-йўғи 3-4 фоизи, меванинг 11 фоизи экспорт қилинмоқда. Демак, бу борада ҳам ҳали ўрганилиши, жорий этилиши зарур бўлган жиҳатлар бор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 июлдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори шу каби муаммоларга тезкор ечим топиш, соҳага янги механизмларни жорий этиш мақсадида қабул қилинди.

Қарорга асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 174 ва озиқ-овқат соҳасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 24 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда мавжуд самарасиз боғлар ўрнида 36 минг гектар интенсив боғлар ташкил этилади.

(Давоми 3-саҳифада)

**Қурилиш индустрияси мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Негаки, қўли гул қурувчиларимизнинг заҳматли меҳнатлари эвазига обод масканлар сони кўпаяди, янги бино ва иншоотлар, кўркам кўчалар барпо этилади. Турмушимиз яхши бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида инсонларнинг ҳаётга бўлган муносабати, дунёқараши ўзгаради. Энг муҳими, турмушидан, ҳаётидан рози бўлади. Айниқса, кундалик ҳаётимизда зарур бўлган сув, электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммуникациялар билан таъминланиш даражасининг яхшиланиши фаровонликни борган сари юксалтиради.**

## Самарқандда ичимлик суви таъминоти яхшиланмоқда



Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ечимига дастуриламал бўлди. Минглаб аҳоли пунктлари тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлади. Мазкур қарорга асосан, жойларда "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК ва унинг вилоятлар миқёсида ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Айни дамда улар буюртмачилигида тоза ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектлари қурилиши қизғин давом этмоқда. Юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Илғор марказ" каби давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда.

– Икки йил аввал синов-тажриба сифатида иш бошлаган эдик, – дейди Самарқанд вилояти "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шокир Абдураҳимов. – Дастлаб пудратчиларимиз олдида моддий-техник базани яратишда қатор муаммоларга дуч келдик. Бироқ, ҳукуматимиз эътибори, қолаверса, вилоятимиз ҳокимининг кўмаги билан муаммоларга барҳам берилди. Эндиликда барча саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини кўрсатаяпти. Туман ва шаҳарларда яшаётган минглаб аҳоли хонадонларининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжлари босқичма-босқич қондирилмоқда. Ўтган 2018 йилда 53,3 млрд. сўм маблағ ҳисобидан 69 та объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Натижада вилоятдаги саксон мингга яқин аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди.

Халқаро молия институтлари, Саудия Арабистони ривожлантириш фонди ва ОПЕК фондининг 36 млн. доллар кредит маблағлари ҳисобидан 2019-2021 йилларда Қўшработ туманида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаси амалга оширилади. Бунинг натижасида 77 қишлоқ аҳоли пунктида 158 та ичимлик суви иншооти, 408,1 километр сув тармоғи қувурлари реконструкция қилинади.

(Давоми 2-саҳифада)

## Лизинг бозоридаги замонавий хизматлар

### ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда

***Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳалар каби қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда.***

Шунга қарамай, бугун ушбу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Йиллар давомида яроқсиз ҳолга келиб қолган суғориш тармоқлари, ирригация тизими каналлари, насос станциялари ҳамда гидротехника иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш талаб этилмоқда. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун соҳада замонавий мелиорация техникалари, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситаларига эҳтиёж юқори.

Айни сабабга кўра, давлатимиз раҳбари "Ўзмелиомашлизинг" давлат унитар корхонасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. "Ўзмелиомашлизинг" ДЛК тузилмаси такомиллаштирилиб, "Ўзмелиомашлизинг" ДУК сифатида шакллантирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда корхонанинг вакиллари фаолияти йўлга қўйилди. Қарорнинг энг аҳамиятли жиҳати, "Ўзмелиомашлизинг" ДУКка (бюджет маблағларидан ташқари) шахсий маблағлар ва бошқа жалб этиладиган маблағлар ҳисобидан тижорат шартларида лизинг ажратиш ваколати берилгани бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

## Техникаси етарли фермер

### УНИНГ МАБЛАҒИ БОШҚА ЧЎНТАККА ТУШМАЙДИ

Навоий вилояти

***Бу йил ёз чилласининг анча иссиқ келгани деҳқонларни шоширди. Сабаби, жазирама иссиқда ғўза гул ташлаб, ҳосил бой берилиш эҳтимоли катта бўлади. Бой тажрибага эга, шижоатли деҳқон эса кунни тунга улаб нафақат ҳосилни сақлаб қолди, балки ҳосилга ҳосил қўшишнинг уддасидан ҳам чиқди.***



Карманалик илғор фермер Лазиз Фармонов ҳам ана шундай тадбирли фермерлардан саналади. У ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган ерни эъзозлаб кам бўлмаяпти. Бундан 15 йил олдин тажрибали фермер амакиси Олим акага ёрдамчи тушиб, касб сирларини пухта ўрганди. Отасининг агроном бўлгани эса Лазизнинг соҳани чуқур идрок этишига турткиби бўлди.

Соҳага бўлган қизиқиш ва ҳаётий тажриба натижасида қаҳрамонимиз 2015 йилда Кармана туманининг Жалойир қишлоғида "Кармана Азиз истиқболи" фермер хўжалигини ташкил этди. Дастлаб хўжаликнинг умумий ер майдони 62 гектар бўлган бўлса, бугунги кунда унинг ҳудуди 120 гектарни ташкил этмоқда. Экин майдонининг 58 гектарида ғалла, 55 гектарида пахта етиштирилмоқда. 7 гектар майдонда эса боғ ташкил этилган.

– Айни пайтда хўжалигимизда 30 нафар доимий ишчи фаолият кўрсатмоқда, – дейди хўжалик раҳбари. – Мавсумий ишчилар эса 70 нафарни ташкил этади. Меҳнатларимиз эвазига жамоамиз билан бирга пахта ва ғалладан юқори ҳосил кўтариб, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўляпти.

Техникани деҳқоннинг қанотига менгзашади. Сабаби, техникаси етарли бўлган фермернинг маблағи бошқа чўнтакка тушмайди. "Кармана Азиз истиқболи" фермер хўжалигида ҳам қишлоқ хўжалиги техникалари парки бор. Техникаларни малакали мутахассислар бошқармоқда. Бу орқали иш самарадорлиги ошиб боряпти.

– Эришилаётган ютуқларда 3 нафар механизатор, 12 нафар сувчимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Бугун хўжалигимиз илғор ишчи-ходимлари хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, иш бошқарувчи Эркин Халилов, механизатор Равшан Ашуров, сувчилар Холиқ Кибриёев ҳамда Уйғун Сафоевларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш жоиз, – дейди фермер. – Бу йил уларнинг кўмагида ғалладан ҳар гектар майдондан 60-65 центнердан ҳосил кўтардик. Натижада давлатга 215 тонна ўрнига 250 тонна буғдой топширдик.

Хўжаликнинг салмоқли натижага эришиши осон кечмади. Аввало, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани ютуқлар гарови бўлди.

Фермер хўжалигида ҳар йили 40-45 центнердан пахта ҳосили етиштирилмоқда. Айни пайтгача пахта далалари 12 маротаба культивация қилиниб, минерал ва маҳаллий ўғитлар берилди.

– Бу йил баҳорда пахта майдонларимизга "Бухоро-102" навининг элита авлодини экдик, – дейди хўжалик раҳбари. – Шукрки, қилинган меҳнат ва ерга бўлган муносабатимиз боис, айни пайтда ҳар бир ғўза тупида 4-5 тадан кўсак бор. Баҳор серёғин келди. Шу сабабли, сувдан асло муаммо йўқ. Бу йил ҳам юқори ҳосилдорликга эришиш учун барча имкониятларни ишга солганмиз.

"Кармана Азиз истиқболи" фермер хўжалиги кўп тармоқли хўжалик ҳисобланади. Айни пайтда аҳил жамоа етти хазинанинг бири саналган асаларичиликни ривожлантирмоқда. Ўтган йили 5 та асалари оиласи парвариши йўлга қўйилган бўлса, бу йил улар сони 30 тага етказилди. Шунингдек, фермер хўжалигида 40 бош қорамол, 100 бош майда шохли мол ҳамда парранда парвариш қилинмоқда.

– Бугунги фермер фақат ғалла ва пахтага қараб қолмаслиги керак, – дейди суҳбатимиз сўнггида Лазиз Пармонов. – Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан ҳам самарали фойдаланиш қўшимча даромад келтиради. Фермер бу орқали аввало, ўзини, ишчи-ходимлари иқтисодини мустаҳкамлаб, бозорларимиз тўкинлигини таъминлайди. Фермер хўжалиги аъзолари ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинларни жойлаштирди. Кузда сабзи, шолғом, карам, мош ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёр бўлгач, ички бозорга йўналтирилади.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# Самарқандда ичимлик суви таъминоти яхшиланмоқда

(Боши 1-саҳифада)



Кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрида 2019-2020 йилларда лойиҳа доирасида битта оқова сув тозалаш иншооти, учта оқова сув насос станцияси ва 21 километр оқова сув тармоқлари қуриш ҳамда реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Лойиҳа доирасида сув тозалаш иншоотининг самарадорлиги етмиш фоиз ошишига эришилади. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида ичимлик суви таъминоти ва оқова тизимлари ҳолатини яхшилаш 2022 йилда ўтказилиши режалаштирилган ШҲТ саммитига тайёргарлик кўриш, шаҳардаги муҳандислик коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш ва давлат хусусий шерикчилигини ривожлантириш мақсадида Франциянинг "SUEZ" компанияси билан ташкилий тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди. Жорий йилнинг 4 февраль куни компания мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ Самарқандга ташриф буюриб, шаҳардаги ичимлик суви таъминоти ва оқова тизимлари ҳолатини ўрганди. Шаҳарда ичимлик сувига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шуни инобатга олган ҳолда Тойлоқ тумани Ровотхўжа маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Зарафшон дарёсининг чап қирғоғи бўйида улкан сув иншооти қуриш ҳамда мазкур иншоотдан Самарқанд шаҳрининг "Мўлиён" сув тарқатиш объектига тармоқ тортиш таклифлари тақдим этилди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 145 миллион доллар талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан, жорий йил Самарқанд вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматини яхшилаш мақсадида жами 47 млрд. 121 млн. сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 21 объектда 113,3 км. ичимлик суви қувурлари ётқизилиши режалаштирилган.

– Айни дамда қурилиш-монтаж ишларининг сўнгги босқичига ҳам оз қолди, – дейди бошқарма бошлиғи Шокир Абдураҳимов.– Пудратчиларимиз йилдан-йилга сараланаяпти. Кундан-кунга моддий-техник базалари яхшиланмоқда. Натижада аксарият пудратчиларимиз ўз зиммаларига юклатилган вазифаларини муддатидан 4-5 ой илгари уддалашмоқда. Масалан, Ургут иқтисодий зонаси Сариқтепа маҳалласида Олтинбек Сувонов бошчилигидаги "Қувур қурилиш сервис" ХК бунёдкорлари умумий 2,5 млрд. сўмлик, Мерганчи маҳалласида эса Абдурашид Раҳимов раҳбарлигидаги "Обиҳаёт инжиниринг" МЧЖ бунёдкорлари 6,5 млрд. сўмлик канализация ишларини муддатидан тўрт ой илгари бажариб, вилоят ҳокимлигининг раҳматномасига сазовор бўлишди.

– Қурилиш учун техникаларимиз етарли, – дейди "Қувур қурилиш сервис" ХК раҳбари Олтинбек Сувонов. – Жамоамиз аҳил, малакали мутахассислардан иборат. Меҳнат қилиш, дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир бажарилган иш ҳажми техник назоратчилар кўригидан ўтгач, ҳудудий бошқарма томонидан вақтида молиялаштириб борилмоқда. Биз ишчилардан сифатли ишни талаб қиламиз. Улар шунга яраша ҳақ олишади.

Шокир Абдураҳимов вилоятда олиб борилаётган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Илғор марказ" каби давлат дастурлари доирасидаги ишлар кўлами ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

– Вилоятда мазкур дастур бўйича жами 42 та ичимлик суви ҳамда канализация ишларини яхшилаш бўйича 30 млрд. 882 млн. сўм маблағ ажратилган. Шундан 187,6 км.га сув қувурлари тармоғи ётқизилиши режалаштирилган. Барча объектларда иш қизғин. Насиб этса Мустақилликнинг 28 йиллик тўйига тўёна сифатида барча қурилиш-монтаж ишларини якунлаймиз.

Мазкур дастурга тушган Иштихон туманининг Шайхларкент маҳалласига йўл олдик. Маҳалла том маънода обод маҳаллага айланаётган экан. Йўллар, йўлаклар, йўл чети сув лотоклари янгиланиб маҳалла мутлақо янги қиёфага кирмоқда. Элнинг жипслиги, каттаю-кичикнинг шу замин ободлиги йўлида қўшаётган ҳиссаларидан кўнглимиз қувончга тўлди.

– 3,6 км. масофага ичимлик сув қувурлари тортилди, – дейди пудратчи "Иштихон дурадгор" оилавий корхонаси раҳбари Мадиёр Товбоев. – Сув минораси, янги трансформатор ва қўшимча кичик бино қурилиши билан бирга жами 788 млн. сўмлик ишларни муддатидан илгари бажардик. Айни дамда барча хонадонларга ичимлик суви қувурлари тортилиб, халқимиз биздан миннатдор бўлишмоқда.

"Сув келтирган элда азиз" дея бежиз айтишмаган. Ана шундай савобли ишларга бош-қош бўлаётган, элнинг дуосини олаётган заҳматкаш бунёдкорларга биз ҳам раҳматлар айтдик. "Обод қишлоқ"дан кўнгиллари тоғдек кўтарилган юртдошларимизнинг руҳиятини кўриб, бизнинг ҳам кўнглимиз ўсди, олам-олам қувончга тўлди.

**Шароф СУЛТОНОВ,**
**журналист.**

# Лизинг бозоридаги замонавий хизматлар

## *ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда*

(Боши 1-саҳифада)

"Ўзмелиомашлизинг" давлат унитар корхонаси бугунги кунда мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга замонавий лизинг хизматларини кўрсатиб келмоқда. Тизимга замонавий техникаларнинг жалб этилиши ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, бажарилган ишлар таннархини арзонлаштириш, ер ости сув сатҳини пасайтириш имкониятини яратмоқда. Корхона томонидан етказиб берилаётган мелиоратив техникаларнинг турлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб, дастлабки йилларда 7 хил турдаги техникалар етказиб берилган бўлса, ҳозирда 20 турдан зиёд техника воситалари лизинг асосида етказиб берилмоқда. Жойларда корхона хизматлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар билан семинар-учрашувлар ташкил этилишининг доимий йўлга қўйилганлиги ва корхона хизматлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилаётганлиги натижасида лизинг объектларига бўлган таклиф ва эҳтиёжлар сони ошиб, лизинг хизматларидан фойдаланаётган хўжалик юритувчи субъектлар доираси кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018-2019 йилларда ирригация ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан корхонага 2019 йил давомида бюджет ҳамда корхона маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 68 миллиард сўмлик жами 93 дона техника харид қилиниши белгиланган эди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кўра, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши лозим бўлган ишлар 76 фоизга, корхона маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилган ишлар эса 57 фоизга бажарилди. Қолган техникаларни жорий йилнинг III чорагида тўлиқ харид қилиш ва лизинг олувчиларга етказиб бериш кутилмоқда.

Янги турдаги лизинг хизматлари ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида ўтган йили корхона томонидан ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини автоматлаштирилган ҳолда қурувчи замонавий техникалар харид қилиниб, Жиззах вилоятида фаолият юритаётган "Учтепадавсувмахсуспудрат" ва "Мирзачўлдавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхоналарига ҳамда Қашқадарё вилоятидаги "Капиталнефтегазинвест" МЧЖга етказиб берилди. Ушбу техника Италияда ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг Ўзбекистон шароитида ишлаши ва фойдаланиш муддатларини янада узайтириш, самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳамкор ташкилот вакиллари томонидан мутахассисларга махсус семинар, ўқув дарслари бевосита иш жараёнида ташкил этилди. Бу техникаларни қисқа муддатларда тўлиқ эксплуатация қилиш имкониятларини яратди. Мазкур техниканинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида ер остига жойлаштирилган қувурлардан узоқ йиллар алмаштирмасдан фойдаланиш имконияти юзага келади. Бунинг натижасида сизот сувларини пасайтириш билан бирга тупроқнинг физиологик ҳолати яхшиланиб, шўр ювиш таннархи анча камаяди ва тупроқнинг унумдорлиги ошади.

Бундан ташқари, корхона томонидан муқаддам қурилган ёпиқ дренаж тармоқларини юқори босим билан ювадиган замонавий дренаж ювиш техникалари харид қилиниб, лизинг олувчиларга етказиб берилмоқда. Юқори босимли мазкур техникалардан ер остида жойлашган дренаж қувурларини чўкма жинслардан тезкор тозалашда самарали фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида сарф-харажатларнинг сезиларли даражада камайишига хизмат қилмоқда.

Маълумки, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, унга замонавий сув ресурсларини тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишнинг афзалликларига кенг урғу берилган. Шуни инобатга олган ҳолда, корхона 2019 йилда ўз маблағлари ҳисобидан сувни тежаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш учун қўлланиладиган лазерли ер текислаш воситаларини харид қилиб, лизинг олувчиларга етказиб бера бошлади. Эътиборлиси, мазкур техника ёрдамида ер майдонларига ишлов бериш, қишлоқ хўжалигида сув сарфининг 2-3 баробар камайишига замин яратилмоқда.

Шунингдек, ҳисобот даврида 2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислиги салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида Республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига ва сув истеъмолчиларига лизинг асосида 2200 дан ортиқ эгилувчан қувур етказиб берилди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш ўринлики, корхонада ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни иш билан таъминлаш, ўсиб келаётган ёш кадрларнинг билимини мустаҳкамлаш ва касбий малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва "Ўзмелиомашлизинг" ДУК ўртасида 2018 йилда имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандуми бунинг яққол мисолидир. Жорий йилда институтнинг ишлаб чиқариш ва битирув амалиётида фаол иштирок этган, ўз вазифасига сидқидилдан ёндашадиган икки нафар талабаси ишга қабул қилинди. Корхона томонидан "Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш" бакалавриат таълим йўналиши бўйича вилоятлар кесимида кадрларга бўлган эҳтиёжлар тўғрисида маълумотлар шакллантирилиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига тақдим этиб борилмоқда.

**Фаёз АЧИЛОВ,**
*"Ўзмелиомашлизинг" ДУК Матбуот хизмати раҳбари.*

# Асрлар кўрмаган ўзгаришлар

(Боши 1-саҳифада)

Медиа тур қатнашчилари замонавий корхоналарда инфузион идишлар ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб, ҳайратларини яшира олишмади. Аввалда фақат пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган туманда замонавий, Марказий Осиёда ягона кластер тизимидаги корхоналар фаолият кўрсатаётганлиги энг чекка ҳудудларда индустирияни ривожлантириш йўлида йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолат беради.

"Пенг Шенг" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида керамик плиталар, сантехника маҳсулотлари, терини қайта ишлаш, пойабзал буюмлари тайёрлашнинг замонавий технологияларда йўлга қўйилганлиги медиа тур иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Улар корхона кўргазма савдо залида бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

– Чекка туманда қисқа даврда ўттиздан ортиқ йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг барпо этилганлиги жуда катта воқелик, – дейди "Правда Востока" газетасининг мухбири Темур Низаев.

– Минглаб одамлар иш билан таъминланган. "Дўстлик" боғида яратилган қулай шарт-шароит инсон омили, унинг яхши яшаши, турмуш фаровонлиги биринчи даражали вазифага айланганини англатади.

"Пенг Шенг" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида барпо этилган замонавий иссиқхоналар қишин-ёзин дастурхонларимизда сабзавот маҳсулотлари сероблигини таъмин этади. Ҳар квадрат метр иссиқхонадан 60 килограммгача помидор ва бодринг ҳосили олинаётгани, кам меҳнат сарфлаб, юқори даромад қилинаётгани мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида шундай ихчам ва катта манфаат келтирадиган иссиқхоналарни янада кўпайтиришни талаб этади. Қўшма корхонада яқин йилларда 20 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар қуриш лойиҳаси амалга оширилади.

Туманда сув ресурсларини тежаш, томчилатиб суғориш усулини пахтачиликка кенг жорий этиш борасида ҳам ибратли ишлар йўлга қўйилган. Томчилатиб суғориш усули ғўза майдонларида қўлланганида гектарига 500-600 метр куб сув сарфланади. Оддий усулда эса 1200-1500 метр куб сув сарфланади. Техниканинг далага кирмаслиги оқибатида ёқилғи сарфи уч баравар камаяди. Боз устига пахта 15-20 кун олдин пишиб етилади. Ҳосилдорлик ҳам оддий усулдагига қараганда 15-20 центнер юқори бўлади. "Пенг Шенг" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси қошидаги "Сирдарё котен кластер" корхонасида ўтган йили 50 гектар майдондаги пахтанинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил териб олинганди.

– Жорий йилда 90 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини қўллаяпмиз, – дейди корхона раҳбари Бахтиёр Аҳмедов. – Чигит қўш қатор усулда экилганлиги боис, ҳар гектар майдонда 120-130 минг туп ғўза парваришланяпти. Ҳар тупда 1 августгача 30-32 тадан ҳосил тугунчалари ҳосил қилинган. Бу август ойида ҳам парваришни давом эттириб, ҳосил тўплаш ҳисобига гектаридан 50 центнердан сара пахта етиштириш имконятини янада кенгайтиради. Энг муҳими, шунча майдондаги парваришлаш, суғориш ишлари билан бор-йўғи 2-3 киши шуғулланади.

Медиа тур қатнашчилари сув ва меҳнат сарфини камайтирадиган, кам маблағ сарфлаб, юқори ҳосил етиштирадиган бу усулнинг ҳар жиҳатдан афзаллигига ишонч ҳосил қилдилар. Бундай замонавий технологияларни кенг ёйиш, улардан аҳолини хабардор этиш, томорқа ва деҳқон хўжаликларида ҳам фаол қўллашда журналистнинг ўрни, янгиликларни тез илғай олиш масъулияти янада юқори бўлиши лозимлигини ҳис этдилар.

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Президентимиз жорий йилнинг 19 февралида вилоятга ташрифи чоғида 5 та йўналишдаги "Сирдарё тажрибаси" ташаббусини олға сурган эдилар. Ана шу ташаббус доирасида ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва комил инсонлар бўлиб етишишларига қулай шарт-шароитлар яратиш вилоятда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишларнинг бош мезони этиб белгиланди. Шу маънода ёшларни мусиқа ва санъат мактаблари, маданият муассасаларига жалб этиш, уларнинг маънавий дунёқарашини ривожлантириш "Сирдарё тажрибаси"нинг энг асосий йўналишига айланди. Айни вақтда маданият муассасаларидаги турли тўгаракларга 7500 нафардан зиёд ёшларнинг қатнашаётганлиги, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шу йил охиригача 18 та сунъий қопламали майдон, 7 та енгил конструкцияли спорт залининг тадбиркорлар томонидан барпо этилаётгани соғломлаштириш тўгараклари аъзолари сонини янада оширади.

Авваллари аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун Сайхунобод туманида қулай шарт-шароит яратилмаганди. Шу йил янги йил арафасида "Сайхун планет" замонавий савдо мажмуаси ва Сайхун истироҳат боғи шаҳарча аҳолиси ихтиёрига топширилди. Хизмат кўрсатиш марказий шаҳарлардагидек йўлга қўйилган "Сайхун планет" савдо мажмуасида ёшлар бўш вақтларида ҳар хил ўйинлар, компьютер машғулотлари билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Бу ерга келган харидор ўзи истаган маҳсулотни харид қилади, ҳам мириқиб дам олиб кетади. Бинонинг иккинчи қаватида музқаймоқ, ширинликлар, яхна ичимликлар сотувининг йўлга қўйилгани эса болажонларни хушнуд этаётир.

Камёб маҳсулотларни сотиб олиш учун энди катта шаҳарларга бориш, овора бўлишга ҳожат йўқ. Истироҳат боғидаги турли кўнгилочар ўйинлар болажонларга хизмат қилаяпти.

Мирзаобод туманидаги рақамли технология ўқув маркази вилоятдаги қалдирғоч марказлардан ҳисобланади. 20 та компьютер жамланмаси қўйилган марказда 9 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар компьютер саводхонлигини ўрганиш билан бирга интернет тармоқлари орқали дунё воқеаларидан хабардор бўладилар, фойдали ахборотлар ва билим олиш бўйича дастурлардан самарали фойдаланадилар. Компьютер дастурларини тузиш малакасини пухта эгаллайдилар.

Иқтисоди барқарор ривожланмаган икки туманда ҳам ёшлар ва аҳоли учун шундай шароитлар яратилганлиги журналистларини бефарқ қолдирмади.

– Бу қулайликлар ёшларнинг бўш вақтлари мароқли ўтишини таъминлаш билан бирга, уларнинг интеллектуал салоҳияти юксалиши, маънан баркамол бўлиб вояга етишида ҳам муҳим роль ўйнайди, – дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳаким. – Юртбошимиз белгилаб берган 5 та йўналишнинг Сирдарёда ҳар жиҳатдан мукаммал ижобат бўлаётгани менда катта таассурот уйғотди.

Вилоятдаги кенг кўламда давом эттирилаётган бунёдкорликлар, янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, "Обод қишлоқ" " Обод маҳалла", "Обод марказ" дастури доирасида кейинги икки йилда бажарилган ишлар ҳар қандай кишининг ҳайратини оширади. Дотацияда турган вилоятнинг қисқа даврда саноатлашган вилоятлардан бирига айланаётгани катта меҳнат, ташаббускорлик самарасидир. Биргина ўтган йили вилоятда 111,4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилнинг олти ойида маҳсулотлар экспорти 23,4 миллион долларни ташкил этди. 2019 йилда 66 та саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини ошириш ҳисобига 77,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев меҳмонларни янги барпо этилган, замонавий қабулхонада қабул қилиб, Сирдарёда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишга келган қалам соҳибларига самимий миннатдорчилик билдирди. Ҳоким саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда катта марралар белгиланганлигини таъкидлар экан, яқин йилларда Сирдарё таниб бўлмас даражада ўзгариб кетишига ишонч билдирди. Зеро, сирдарёликлар янги марралар сари дадил интилаётган экан, бу эзгу ниятлар албатта, ушалажак.

Самимий қабул ва журналистларга кўрсатилаётган катта эътибор учун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳаким вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаевга ўз миннатдорчилигини билдирди ва эсдалик совғалари – янги чоп этилган китобларни туҳфа этди.

## ХОВОС ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИГАН ГЎША БЎЛАДИ

Яқин эллик йил ичида бирорта ҳам кўп қаватли уй қурилмаган, одамларнинг маълум қисми эски (барак) уйларда яшаётган Ховос шаҳарчаси, умуман, Ховос туманига Президентимизнинг шу йил февраль ва июль ойларидаги ташрифидан кейин бунёдкорлик, яратувчанлик ишларининг катта бир тўлқини кириб келди. Туман марказида улкан қурилиш, мавжуд уйларнинг архитектуравий қиёфасини ўзгартириш ишлари жадал олиб борилмоқда. М-39 автомобиль йўли бўйида барпо этилаётган марказда 30 та кўп қаватли уй қуриш ишлари шиддат билан давом эттириляпти. Бу ерда қурилиш ишлари тугагач, жами 760 та квартира ўз эгаларига топширилади. Шунинг 600 таси арзон уйлардир. Бундан ташқари, янги марказда 60 та бир қаватли уйлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Давлат хизматлари агентлиги, мактаб ва боғча, истироҳат боғи, кутубхона, китоб дўкони кинотеатр, деҳқон бозори, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, шунингдек, 2 та тикувчилик цехи қурилади. Ховос замонавий, одамлар яйраб яшайдиган шаҳарчага айланади. Қад ростлаётган замонавий шаҳарчада мингдан ортиқ қурувчиларнинг кечаю кундуз тер тўкаётганлиги қурилиш ишлари суръати ошиши билан бирга юзлаб оилаларнинг турмуши фаровонлашишини ҳам таъмин этаётир.

Бийдай далада шундай чиройли шаҳар бўй кўрсатаётгани медиа тур қатнашчиларининг ҳавасини келтирди. Сирдарёдаги яратувчилик ишлари, одамларнинг фидойилиги уларни янги мавзудаги публицистик асарлар, қишлоқ кишиларининг қаҳрамонликлари эътироф этилган асарлар ёзишга илҳомлантирди.

Журналистлар Ховособод қишлоғида бўлиб Ховоснинг қарийиб 2,5 минг йиллик тарихи, бу кентда яшаган қадимги аждодларимизнинг ўтмиши, у ерда сақланиб қолган тарихий обидалар билан танишдилар. Қадимги Ховос Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги боис, кўплаб Осиё мамлакатлари халқларининг маданий ва маърифий алоқаларида муҳим роль ўйнаганлиги эътироф этилди.

## ГУЛИСТОН ЧИНАКАМ БЎСТОНГА АЙЛАНМОҚДА

Ўтган қисқа даврда Гулистон шаҳрида катта ободонлаштириш, қурилиш ишлари амалга оширилди. Ҳозир ҳам шаҳарда қурилиш, бунёдкорлик ишлари давом эттирилаётар. Кечагина "Буюк келажак" массиви одамлар мол боқадиган, қаровсиз бир ҳудудга айланиб ётарди. Ўтган икки ярим йил ичида бу ерда 32 та беш қаватли турар-жой қурилиб, кичик шаҳарчага айлантирилди. Айни вақтда бу ерда илк бор 7 қаватли уйларни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Журналистлар бу ерда урбанизациялаш ишларининг давом эттирилиб, янги меъморий ечимдаги турар-жойлар қад ростлаётганининг шоҳиди бўлдилар.

Президентимиз ташаббуси билан қурилаётган 150 ўринли Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева номли она тили ва адабиёти ижод мактаб интернати меъморий жиҳатдан мамлакатимиздаги энг замонавий мактаблардан бирига айланади. Шу йилнинг ўзида энг иқтидорли, тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўғил-қизлар шу мактабда ўқий бошлайдилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Абдушокир Абдураҳмонов ижод мактабининг истиқболи, бу ерга Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятларидан ҳам иқтидорли ўқувчилар танлаб олиниши ҳақида журналистларга тушунча берди. Шаҳарда шундай илм масканининг барпо этилиши бу ёшларга, келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътиборнинг ёрқин бир нишонасидир.

Гулистон шаҳридаги марказий китоб дўкони ҳам 5 та ташаббус ижроси доирасида ёшлар китобхонлигини оширишга хизмат қиляпти. Дид билан териб қўйилган китоблар ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Дарҳақиқат, инсон онгу тафаккури ўсишида китобнинг роли беқиёс. Зеро, маънавият юксалса, мамлакат ҳам юксалади. Илм эса янгиликларга, янги ғояларга, фаолликка йўл очади.

Медиа тур иштирокчилари Гулистон шаҳридаги "Чеҳра палас" меҳмонхонасида, бир пиёла чой устида Сирдарёдан олган таассуротлари билан ўртоқлашиб, фикрлашдилар. Уларга вилоят ҳокимининг эсдалик совғалари – планшетлар топширилди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш, қарор мазмун-моҳиятини мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, тадбиркорлар ва фермерларга янада кенгроқ тушунтириш мақсадида ташкил этилган семинарда соҳага доир янгиликлар, мавжуд муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Тегишли дастурларда белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали татбиқ этиш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортини кўпайтириш борасида муҳим масалаларни ҳал қилишга киришилган. Жумладан, жаҳон бозоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосий устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жойлардаги ҳолат таҳлил қилинганда, бугунги кунда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 тумандаги аҳвол кўнгилдагидек эмас. Шу боис, боғдорчилик ва узумчиликдаги аҳволни тубдан яхшилаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари ташкил қилинди. Бу тизимдаги лойиҳаларни имтиёзли молиялаштириш учун ҳар икки агентликда махсус жамғарма ташкил қилинди. Бу эса тадбиркорлар ва фермерлар учун янги имкониятлар яратади.

Интенсив боғдорчиликда биринчи маротаба бир қатор имтиёзлар жорий қилинди. Жумладан, интенсив боғларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича 1 гектарга қилинган харажатнинг 6 миллион сўми давлат бюджетидан қопланади. Шунингдек, умумий майдони 35 гектардан кўп бўлган интенсив боғларга сув чиқариш мақсадидаги 120 миллион сўмгача бўлган харажатлар учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

Бугунги кунда кўп тадбиркорларимизни тижорат кредити олишда кафиллик масаласи қийнаб келаётгани сир эмас. Эндиликда интенсив боғ барпо этиш учун олинадиган кредитнинг 50 фоизигача бўлган қисми Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафиллик асосида берилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, замонавий логистика марказлари, иссиқхоналар ва музлаткичли омборхоналар қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирда бу борадаги аҳвол мутлақо қониқарсиз. Бугунги кунда юртимизда атиги 31 агрологистика маркази фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган 760 минг тонна сиғимга эга 1500 та музлаткичли омборхона мавжуд. Улар жами етиштирилган мева-сабзавотларнинг 4,5-5 фоизини қамраб олади, холос.

2019-2021 йилларда Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 3 миллион тонна сиғимга эга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сиғими 360 минг тонна бўлган жами 37 замонавий агрологистика марказлари ташкил этилади.

"Ўзстандарт" агентлигининг республика ҳамда Наманган ва Самарқанд ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари ҳузуридаги синов лабораторияларини тўлиқ модернизация қилиш ва янги ускуналар билан таъминлаш, озиқ-овқат соҳасида 726 халқаро стандартларни жорий қилиш каби чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажмини қарийб 2-2,5 баробар ошириш, агрологистика марказларини ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш қувватини 3,8 миллион тоннага етказиш, қўшимча 118 минг тонна импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режалаштирилган.

Семинарда қишлоқ хўжалигини, инвестиция ва ташқи савдони ривожлантириш, агросаноат тизимидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан вазирлар ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари, халқаро молия муассасаларининг мамлакатимиздаги вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи С.Зоря, Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги раҳбари С.Мальвичини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, экспорт кўламини ошириш бўйича таклифлари билан ўртоқлашди.

Вилоятлардан келган тадбиркорлар ўзларини қийнаётган, ечимини кутаётган муаммоларни ҳам очиқ-ойдин ўртага ташлади.

Хусусан, Фарғона вилоятидаги "Paradise Garden Fruit" МЧЖ раҳбари Адҳамжон Абдураҳмонов қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳақида гапириб, бу тизимдаги ҳақиқий ҳолатни яхшилаш, соддалаштириш ҳақида таклифларини билдирди. Шунингдек, транспорт логистикаси бўйича креатив ғоялари билан ўртоқлашди.

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси Камол Абдуллаев эса барча боғларни томчилатиб суғориш тизимига ўтказиш, бу борада боғбон ва фермерларга кўмаклашиш кераклиги ҳақида долзарб муаммони ўртага ташлади. Унинг фикрича, томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш учун зарур технологияларни ўзимизда ҳам ишлаб чиқарса бўлади. Бу эса тизимни жорий этишда маблағ тежалишига хизмат қилади, албатта.

Иштирокчилар Тошкент шаҳри ва вилоятидаги илғор ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан танишди.

– Вилоятимиздаги томорқа хўжаликлари, фермерлардан турли мева-сабзавотларни улгуржи нархда харид қилиб, хорижга экспорт қиламиз, – деди Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Нодирбек Сафаров. – Бир йилда 3,5 миллион долларлик миқдорда савдо айланмамиз мавжуд. Бугун пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган мевани қайта ишловчи "Интерсок" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишдик. Корхонада салқин ичимликлар, 16 турдаги шарбатлар ишлаб чиқарилар экан. Мазкур корхонада маҳсулотлар 100 фоиз маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилиши эътиборлидир. Биз ҳам ўз хизматларимизни уларга таклиф қилдик.

Семинар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги техникалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Жиззах вилояти

**Юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Зомин тумани Жиззах вилоятининг тоғли ҳудудида, денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда жойлашган. Зоминдаги қалъа ва қўрғонларнинг харобалари, шунингдек, асрлар оша оғиздан-оғизга кўчиб, бизгача етиб келган афсонаю ривоятлари унинг тарихий аҳамиятини кўрсатиб беради. Энг муҳими бу замин ўзининг ноёб табиати, игна баргли ўрмонлари, шифобахш ҳавоси билан ажралиб туради. Кўпчилик: "Европада Швейцария бўлса, Осиёда-Зомин", дея эътироф этади. Туризмни янада ривожлантиришга берилаётган эътибор ва ҳудуддаги имкониятларнинг ишга солинаётгани бугунги кунда Зоминнинг довруғига довруқ қўшмоқда.**



# МЎЪЖИЗАЛАР МЕҲНАТДА ЯРАТИЛАДИ

– Яна бир аҳамиятли жиҳати, сўнгги йилларда Зоминда жуда катта қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, – дейди туман ҳокимлигининг қурилиш бўлими бошлиғи – Сардор Анваров.

Жорий йилнинг 9 май куни пудратчи Рустам Пармонов раҳбарлигидаги "Пойдевор қурилиш" МЧЖ бунёдкорлари томонидан қад ростлаган Зомин "Хотира хиёбони"нинг очилиши улкан воқеага айланди. "Ёшлар маркази", замонавий кутубхоналар, бозорлару қатор кўнгилочар оромгоҳлар барпо қилинаётганлиги барчага бирдек манзур бўлмоқда. Хуллас, янги-янги корхоналар, ижтимоий объектлар, аҳоли турар жой бинолари бунёд этилмоқда. Аҳолининг яшаш тарзи яхшиланиб, инфратузилма тизими тубдан қайта қурилмоқда.

Маълумки, асосий масалалардан бири – аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар бўлиб, туманда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 ноябридаги "2017-2019 йилларда Жиззах вилоятининг Зомин туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Қарорга асосан даставвал, ичимлик суви ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш белгиланиб, "Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш" ДУК бош лойиҳачи, Республика уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги буюртмачи, "Жиззах Трест-21" МЧЖ эса бош пудратчи этиб тайинланди.

– Зомин шаҳар ичимлик суви тизимини реконструкция қилиш бўйича жами 34 млрд. 756 млн. сўм маблағ ажратилган, – дейди "Жиззах Трест-21" МЧЖ таъсисчиси Шавкатжон Йўлдошев. – Жорий йил бўйича 10 млрд. сўмлик сув қувурларини ётқизишимиз лозим. Бажараётгани ишимиз жадвалга нисбатан олдинда кетаяпти. 5 дона сув қудуғи қазилиб, 35 км.га сув тармоғи ётқизилди. Икки дона 500 $м^3$ ли резерувар қурилиши, электролиз биноси ва бошқа ишлар давом этмоқда. Шаҳар оқова сув тизимини қуриш лойиҳа қиймати 42 млрд. 300 минг сўм бўлиб, шундан жорий йилга 15 млрд. сўмлик ишлар бажарилиши белгиланган. Ҳозирда 8,6 км. оқова сув тармоғи ётқизилиб қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Маълум бўлишича, Зомин шаҳрига кираверишда диққатимизни тортган ва қурилиши жадаллик билан олиб борилаётган корхона ҳам Шавкатжон Йўлдошев бошчилигидаги "Жиззах Трест-21" МЧЖ бунёдкорлари томонидан барпо этилмоқда. Цемент, плита ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур заводнинг барча ишлаб чиқариш технологиялари Испаниядан 13 млн. евро маблағ эвазига олиб келинган. Лойиҳа ишга туширилса, бир кеча кундузда 5 та линияда 500 $м^2$ тайёр бетон плиталар ишлаб чиқиш имконияти юзага келади. Ҳисоб-китобларга қараганда лойиҳага сарфланган барча харажатлар икки йилда ўзини оқлаб, завод фойда ҳисобига ишлай бошлайди.

– 14 йил авввал худди шундай заводни Фарғона туманида барпо қилган эдик, – дейди тадбиркор Шавкат Йўлдошев. – Ушбу заводимиз экологик жиҳатдан тоза ва озода. Заррача чанг чиқармайди. Юз нафардан ортиқ ишчиларимиз ишда оқ халат ва оқ пайпоқларда юришсада, бирон жойига доғ тегмайди. Бундан ташқари, хорижий технологияси электр-энергияни 35 фоизгача тежайди. Биласиз, одатдаги кўп қаватли уйларнинг томига ёпиладиган мавжуд темир бетон плиталарнинг бир квадрат метри 475 кг. юкни кўтаришга мослашган. Бизлар ишлаб чиқарадиган замонавий плиталар эса 2,5 тонна юк босимини кўрдим, демайди. Шунинг учун ҳозирданоқ чет эллик ҳамкорларимиз маҳсулот экспорт қилишимизни илҳақлик билан кутишмоқда. Кейинги йилдан бошлаб йилига 25 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Тадбиркоримиз Фарғона вилоятида Германиянинг энг охирги технологияси асосида оёқ-кийим ишлаб чиқариш фабрикасини ҳам ишга тушириш арафасида. Ойига қирқ минг жуфт оёқ кийим ишлаб чиқарувчи тадбиркорга Бирлашган Араб Амирликларидан катта миқдорда буюртма тушган.

Суҳбат давомида эътиборимизни тортган яна бир жиҳат қаҳрамонимиз оиласидаги уч опа-сингил, саккиз нафар ака-укаларнинг барчаси ишбилармон, тадбиркор экан. Улар юртимиз равнақи йўлида баҳоли қудрат меҳнат қилмоқдалар.

– Насиб этса Зоминда ҳам ўнлаб завод ва фабрикаларни ишга тушириб, минглаб ишчи ўринларини яратамиз, – дейди ғурур билан Шавкатжон ака.

Фарғоналик ака-укалар нафақат Зомин туманида, балки Фориш туманида маркази ичимлик сув таъминоти тизимини 2018-2020 йиллар давомида умумий 68 млрд. 167 млн. 800 минг сўмлик қийматдаги қурилиш-монтаж ишларида ҳам меҳнат қилишиб, марказни том маънода "Обод марказ" дастурига айлантиришмоқда.

– Отам ҳамиша: "Болаларим шуни унутманг, халққа сув берган, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмайди", – дея такрор айтадилар, – дея сўзида давом этади Шавкатжон ака. – Сурхондарёнинг Шарғун шаҳри, Музрабод туманларида ҳам умумий қиймати 48 млрд. сўмлик йирик лойиҳадаги канализация тизимларини янгилаяпмиз. Беш юз нафардан ортиқ ишчи хизматчиларимиз лойиҳаларни амалга оширишда астойдил меҳнат қилмоқда. 2003 йили биттагина экскаваторимиз бор эди, ҳозир эса замонавийларидан 143 таси юртимизнинг турли бурчакларида гуруллаб ишлаб турибди. "Обод қишлоқ" давлат дастури бўйича айни дамда жами 36 км.лик янги сув қувурларини ўрнатдик. Риштон туманининг чекка қишлоқларига 300 минг дона ғишт, 200 тонна цемент, бир ярим минг дона шифер ва бошқа қурилиш материаллари ҳомийлик сифатида техникалар карвони билан жўнатилмоқда.

Умуман, бугун Зомин бутун юртимизда бўлгани каби улкан қурилиш, бунёдкорлик масканига айланиб улгурган. Аҳамиятлиси, амалга оширилаётган ишларда туманнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳисобга олинмоқда. Шу сабаб, қад кўтараётган ҳар бир бино ёки корхона миллий ва жаҳон меъморчилиги соҳасидаги энг янги жиҳатларини ўзида мужассам этмоқда.

Кўпчилик ҳудудда қисқа муддатларда амалга оширилган ишларни мўъжизага қиёсламоқда. Дарҳақиқат, мўъжиза. Бироқ, ғойибдан келган эмас, меҳнат билан яратилган мўъжиза.

**Шароф СУЛТОНОВ**

# Фурқат бошлиқ хўжаликда ишлар беш

Самарқанд вилояти

***Тойлоқ туманидаги "Фурқат-Аббос келажаги" фермер хўжалигининг ер майдони 18 гектардан иборат. Фермер Фурқат Каримов ва унинг ёнида меҳнат қилаётганлар қишлоқ хўжалигининг кўпгина соҳаларидан дурустгина хабардор. Ерни, экинлар ҳолатини яхши билишади. Бу ерда фермер хўжалиги ташкил топган 2006 йилда деҳқончилик ишларини йўлга қўйиб олишнинг ўзи бўлмаганди.***



Ҳозир барча майдонлар экинлар авжидан яшнаб турибди. Фермер хўжалиги аъзолари айни пайтда 6 нафар. Бу мавжуд ер майдони ҳар бир киши учун 3 гектардан тўғри келади, деганидир. Раиснинг фикрича бу меъёрий ҳолат. Ишчилар бўш туришмайди, ер эса эгасиз қолмайди.

– Бу йил 10 гектар ғалла майдонидан баракали ҳосил кўтардик, – дейди фермер. – Ҳосилдорлик 41 центнерга тўғри келди. Доннинг давлат буюртмасидан ортиғини хирмонларимизга жойладик. Қишлоқда яшаган инсоннинг уйи буғдойга тўлиб туришининг хосиятли томонлари кўп. Биз эса Мустақиллик туфайли ана шундай имкониятга эга бўлаётганимизни яхши англаймиз. Бу эса мамлакатимизда яратилаётган озиқ-овқат захирасидан биринчи галда уни етиштирувчилар баҳраманд бўлади, демакдир.

Дастлаб бу ерда ғаллачилик билан шуғулланилган эди. Кейинчалик эса мевачилик ва сабзавотчилик йўлга қўйилди. Бугун фермер даласида помидор, пиёз, картошка, ловия, булғор қалампири каби қишлоқ хўжалиги маҳсуотлари етиштирилади. 3 гектардан ортиқ майдонда олма, 1 гектарга яқин ерда гилос дарахтлари мева боғлаб, шохлари эгилиб турибди. Яна 2 гектарга яқин ерда узумчилик ҳам йўлга қўйилган.

– Ярим гектарлик тутзоримиз ҳам бор, – дейди Фурқат Каримов. – Ҳар йили пилла боқиб, мўл ҳосил етиштирамиз. Бу йил ҳам ҳосилимиз баракали бўлди. Ипак қурти боқишни ҳавас қилганларни, бу юмушнинг уддасидан чиқа олганларни жуда қадрлайман. Очиғи, бошида жимитдайгина бўлган бу жонивор қисқа вақтда пиллачининг меҳнати туфайли етилади. Унинг пиллага – ажиб бир ғумбакка айланиб қолиши эса нақд мўъжизанинг ўзи. Аслида ипак матони халқимиз азалдан қадрлаган.

Шу ўринда фермер халқимизнинг етти хазина ҳақидаги фикрларига тўхталади:

– Ота-боболаримиз ипак куртини бежизга етти хазинанинг бири дейишмаган. Ҳақиқатда ҳам пиллачиликсиз шоҳи-ипакни тасаввур этолмаймиз. Тарихий асарларда айтилганидек, қизларнинг сепи ипаксиз бўлмаган. Демак, бундай ҳар бир сеп бир оиланинг вужудга келишига хизмат қилган. Юртимизда бу анъана бугун ҳам давом этиб келмоқда. Асосийси, Ўзбекистон ипагига иштиёқманд хорижлик харидорлар сони йил сайин кўпайиб бораётганлиги.

Шу боис ҳам пиллачиликнинг янада ривожланишига мамлакатимизда, жумладан, туманимизда катта эътибор қаратиляпти. Етиштирилаётган пилла миқдори йилдан йилга кўпайиб, бу ноёб маҳсулотнинг сифати ошиб бораяпти. Кейинги йилларда қайси пиллачи билан суҳбатлашсангиз, пилласини фақат юқори навларга топширгани ҳақида гапиради.

Бир пайтлар пиллачи топширган маҳсулоти учун ойлаб иш ҳақи кутарди. Баъзан бу ҳолат йилларга алмашарди. Ўшанда ҳам пиллачи пилла боқишга мажбур эди. Тўғрироғи, мажбур қилинарди. У пайтларда пилла боққан одам, ундан олинадиган даромадни эмас, тут шохларидан ҳосил бўладиган ўтинни ўйларди.

Мустақиллик даврида эса бу борадаги қарашлар ҳам, пиллачига ҳақ тўлаш ҳам ўзгарди. Энди пиллачи ўз ҳақини кутмайди. Қолаверса, у мавсум олдидан иш ҳақининг бир қисмини олишга ҳақли. Пилла боқилган бир ой атрофидаги муддатнинг бир йиллик меҳнат стажига тенглаштирилгани эса айни муддао бўлди.

**Актамжон БЕРДОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## Эълонлар

*Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!*
*"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ*
**дастлабки очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 1 августдаги 757- сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:**

Тошкент вилояти, Пискент туманида жойлашган, умумий майдони 1,1453 га, қурилиш ости майдони 2982,43 кв.метр, 8 та литердан иборат, 2 қаватли "Пискент деҳқон бозори" мажмуаси. **Бошланғич баҳоси – 7 409 427 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2019 йил 9 сентябрь куни соат 11:00 да** Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 9 сентябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари **2019 йил 12, 16 сентябрь** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги ҳ/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

**Лицензия RR-0001.**

*Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!*
*"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ*
**дастлабки очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 5 августдаги 759-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:**

Навоий вилояти, Томди туманида жойлашган, умумий майдони 5600 кв.метр, қурилиш ости майдони 1013,63 кв.метр, 8 та литердан иборат, 1 қаватли "Томди деҳқон бозори" мажмуаси. **Бошланғич баҳоси – 2 873 630 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2019 йил 9 сентябрь куни соат 11:00 да** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 9 сентябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари **2019 йил 12, 16 сентябрь** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги ҳ/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

**Лицензия RR-0001.**

